# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 18 апрель • шанба

№ 68 (10.317). Баҳоси 1 сўм.


Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

## ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Исломнинг икки муқаддас масжиди ходими, Саудия Арабистони подшоси Фаҳд бин Абдул Азизнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти жаноби олийлари Ислом Каримов 1412 ҳижрий йилининг 8—10 шаввол кунлари (1992 милодий йилининг 11—13 апрель кунлари) Саудия Арабистони подшолигига расмий ташриф буюрдилар. Ташриф чоғида жаноби олийлари билан исломнинг икки муқаддас масжиди ходими ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида икки қардош давлат ўртасидаги икки томонлама муносабатлар муҳокама қилинди ҳамда халқаро аҳвол масалалари, хусусан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилиши жараёнига ва Афғонистон муаммосини ҳал этишга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Саудия томони Ўрта Осиё мусулмон республикаларининг мустақилликка эришганликлари ва уларнинг миллий, маданий эътиқод ва имон қадриятларининг тикланаётганлиги муносабати билан ўзининг ғоят мамнун эканлигини изҳор қилди. Бу эса дунёнинг мана шу минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Томонлар иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигидан мамнуният ва хушнудлик изҳор қилдилар ҳамда иккала мамлакат ўртасида қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш йўлида иккала халқ орзу-ўйлари ва муддаоларини барча соҳаларда рўёбга чиқариш ҳамда ўзаро манфаатларни амалга ошириш учун ҳаракат қилишга қарор қилдилар.

Томонлар мусулмон дунёсини ривожлантириш ишидаги фаолиятда жиддий ва самимий ҳаракатлар қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик сиёсати, давлатлар ва халқлар ўртасида қурол ишлатмаслик учун, қардошларча тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши учун барча куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Икки қардош мамлакат ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳамда тарихий ва маданий алоқаларни қўллаб-қувватлаш муддаосидан келиб чиқиб, томонлар иқтисодий, савдо, техника, сармоя, ёшлар ўртасида ва спорт соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш масалаларини кўриб чиқдилар.

Ҳар икки мамлакатда амал қилаётган қоидалар ва қонунларга мувофиқ, иқтисодий, савдо, сармоя ва техникавий соҳаларда ҳамкорликни рағбатлантириш ҳамда иқтисодий, савдо ва техника соҳаларидаги делегациялар ҳамда гуруҳларни ўзаро бир-бирларига юбориш ва ҳар икки мамлакат ўтказадиган халқаро тижорат ва саноат кўргазмаларида иштирок этиш мақсадларида, шунингдек фан, техника, маданият, спорт ва ёшлар масалалари соҳасида ҳамкорликни рағбатлантириш учун ҳамда икки қардош мамлакат ва улар халқларининг равнақи ва ривожланишига фойда келтириши мумкин бўлган барча ишларни амалга оширишга интилиб, томонлар тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга қарор қилдилар.

Томонлар ҳар иккала давлатда қабул қилинган ташкилий тадбирларга мувофиқ иқтисодий, савдо, техникавий, маданий ва илмий соҳаларда, шунингдек ёшлар ва спорт масалаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар тайёрлашга келишиб олдилар.

Томонлар Яқин Шарқдаги тинч йўл билан ҳал қилиш жараёнини қўллаб-қувватлашларини, Фаластин халқининг миллий ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал амалга оширишни ўз ичига олувчи Фаластин масаласини доимий ва адолатли ҳал қилинишига эришувнинг муҳимлигини таъкидладилар.

Томонлар Афғонистондаги низони ҳал қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида олиб борилаётган халқаро ҳаракатлардан ўзларининг мамнун эканликларини таъкидлаб ўтдилар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош котиби билан мухолиф томонлар ўртасида эришилган, Афғонистонда хавфсизлик ва тинчликни тиклашни таъминлайдиган сўнгги битимни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Президент жаноби олийлари Ислом Каримов ташриф чоғида Президентга ва унга ҳамкорлик қилувчи делегацияга кўрсатилган дўстона ва самимий қабул учун, шунингдек исломнинг икки муқаддас масжиди ходими подшо Фаҳд бин Абдул Азизнинг исломнинг юксак ва олижаноб қоидаларидан келиб чиқиб, ривожланаётган мамлакатларнинг тикланишида ҳамда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва бирдамликни қўллаб-қувватлашда ва ана шу мамлакатлар халқлари ўртасидаги қардошларча муносабатларни мустаҳкамлашда қатнашиб кўрсатаётган ёрдам ва ҳаракатлари учун исломнинг икки муқаддас масжиди ходими подшо Фаҳд бин Абдул Азизга ва Саудия халқига миннатдорчилик изҳор қилдилар.

## ЭКИБ БЎЛДИЛАР

**ВИЛОЯТИМИЗ ноҳия ва хўжаликларида чигит экиш қизғин бормоқда. Фурсатдан, техникадан ва бошқа омиллардан самарали фойдаланаётган деҳқонлар илк натижаларга эришмоқдалар. Бу ҳақда Бўка ноҳиясидан ҳам хушхабар олдик.**

**«Янги ҳаёт» (собиқ «Коммунизм») жамоа хўжалигига илгари ноҳия қишлоқ хўжалиги техника таъминоти бошқарувида бош инженер бўлиб ишлаган Фаҳоб Мирзақулов раис бўлиб сайлангач, унинг ташаббуси ва етакчилигида асосий меҳнат жараёнларини механизациялаштиришга астойдил киришилди. Мавжуд трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари синчковлик билан кўрикдан ўтказилди, таъмирланди. Чигит экишга барвақт ҳозирланди. Экиш гуруҳи билан амалий машғулотлар ҳар бир бригадада бўлиб ўтди. Ҳайдовчиларнинг тайёргарлиги обдон синаб кўрилди. Шунинг учун ҳам 501 гектар майдонга чигит экиш тўрт иш кунида тугалланди. Айниқса, Вахтиёр Шодмонов, Абдуқодир Алиев, Зиёдилла Товбоев сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда чигит экиш ғоят уюшқоқлик билан амалга оширилди. Тракторчилардан Алибой Шодмонов, Фахриддин Ражабов, сеялкачилардан Ҳамид Оқбўтаев, Саттор Рўзиқуловлар кундалик экишда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.**

**Эндиги ҳаракат ҳар бир бригадада чигитни бир текис ундириб олиш, гектарларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш ва ниҳоллар кўзга ташланиши биланоқ ишлов беришга киришишга қаратилгандир.**

**Э. ЙЎЛДОШЕВ.**

## БОҒЛАР КЎПАЙСА—БОЗОРДА СЕРОБЛИК БЎЛАДИ

ОҲАНГАРОН ўрмон хўжалигининг кўчатзорларидан ҳар йили 180—200 минг сўмлик даромад олинади, чунки куртак пайванд қилиниб, мевали дарахтларнинг нави яхшиланиб, харидорларга етказиб берилади. Ҳозиргача 80 минг тупдан ортиқ кўчат механизация ёрдамида қазиб олиниб, хўжаликларга ва аҳолига пулга сотилди.

Бу ерда нок, ўрик, гилос, олма, ёнғоқ, бодом, писта, шотут, олхўри, шафтоли, узум, жийда, олча кўчатларининг турли навларини етиштиришда М. Умаров, С. Аҳмедова, О. Рўзиматов, Б. Ўрдабоев, Р. Худойбердиева, Р. Холдорова каби ишчилар, механизаторлардан эса А. Қўшбоев, Ҳ. Усмоновлар мардонавор меҳнат қилишяпти.

**У. ЖЎРАЕВ.**

*• Долзарб мавзуда суҳбат*

## АКАДЕМИК ТОШМУҲАМЕДОВНИНГ ФИКРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг фармойиши билан Республика Фанлар академияси физиология ва биофизика илмгоҳининг директори Б. О. Тошмуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестацияси комиссиясининг раиси этиб тайинланди.

Бу жуда катта воқеа. Бунинг сабаби илмий ходимлар эндиликда собиқ марказда эмас, балки мустақил республика пойтахтида аттестациядан ўтишларидангина иборат эмас. Очиғини айтайлик: Б. О. Тошмуҳамедовнинг бу лавозимга тайинланиши кўплар учун кутилмаган воқеа бўлди. Чунки Бекжон Ойбекович Тошмуҳамедов кўпгина масалаларда Президентга мухолифлик мавқеида туради. Ана шундай пайтда бирдан кутилмаган қарор қабул қилинди. Маълумки, муайян доираларда давлат бошлиғи барча нуфузли лавозимларга «ўз» одамларини тайинлайди, деган фикр бор.

Хўш, Тошмуҳамедов ким, унинг ҳаётий позицияси қандай, бу таниқли олимни нималар ҳаяжонга солмоқда? У билан ЎзА мухбири худди шу ҳақда суҳбатлашди.

— Бекжон Ойбекович, илм-фан, айниқса, асосий илм-фанлар катта маблағни талаб қилади. Ҳозир эса, иқтисодий таназзул даврида, фақат ризқ-рўзимиз тўғрисида ўйлашга тўғри келган бир пайтда бу соҳага катта маблағ ажратилишини орзу қилиш ҳам қийин. Шунга қарамай илмгоҳингиз жамоаси ишлаяпти. Ишлаганда ҳам натижадорлик билан меҳнат қиляпти.

— Ҳақиқатан ҳам пул масаласи қийинроқ. Шунга қарамай ҳафсаламиз пир бўлгани йўқ. Асосий фанлар шу дақиқанинг ўзида самара бермайди, бу ҳар куни зўр бериб олиб бориладиган меҳнатдир. Жуда кўп тажрибалар ўтказиш йўли билангина кутилган натижага эришиш мумкин. Ана шундай натижалар бор.

Ҳозир биз жуда қизиқарли иш билан бандмиз — асаб тизимини тадқиқ этишнинг кимёвий воситаси бўлган нейротоксинларни излаяпмиз. Бу ишнинг тафсилотларига тўхталиб ўтирмайман. Бир нарсани айтишим мумкин: бизнинг бу соҳадаги тадқиқотларимиз асаб ҳужайралари фаолиятининг воситаларини очиб беради.

— Илмгоҳингиз мутахассислар орасида катта обрўга эга. Тошкентда биофизика мактаби вужудга келди. Академик Тошмуҳамедовнинг ўзи ҳам кенг илмий доираларда машҳур. Лекин буларнинг негизи собиқ СССРда яратилган. Мана энди, сизнинг илмий командангиз «алоҳида парвоз қилаётган» пайтда қандай иш тутиш керак?

— Асосий фанларни ривожлантириш фақат бадавлат, иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаган мамлакатларнинг қўлидан келади. Собиқ иттифоқ улкан давлат ҳисоблангани бежиз эмас, унда асосий фанларга

(Давоми 2-бетда).

